O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING
QARORI
Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

2021 - yil 17 - avgust 35-8-120-Q/21 Sho‘rchi tuman hokimligi

Шўрчи туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Шўрчи туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Матбуот хизмати Н.Шоева мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Норқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **XUDOYBERGANOV B. X.**

Шўрчи туман ҳокимининг
2021 йил 17 августдаги
35-8-120-Q/21-сон қарорига
1-илова

Шўрчи туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Шўрчи туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни 2015 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд этиш тўғрисида» 2014 йил 24 сентябрдаги 803-сон қарори.

2. Шўрчи туман ҳокимининг «Шўрчи туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек, техника трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2014 йил 17 мартдаги 156-сон қарори.

3. Шўрчи туман ҳокимининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарорига асосан туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2015 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2015 йил 17 февралдаги 165-сон қарори.

4. Шўрчи туман ҳокимининг «Шўрчи туманида иқтисодиёт тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 24 июлдаги 551-сон қарори.

5. Шўрчи туман ҳокимининг «Шўрчи туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек, техника трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 19 январдаги 36-сон қарори.

6. Шўрчи туман ҳокимининг «Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2016 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 4 февралдаги 106-сон қарори.

7. Шўрчи туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни 2017 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд этиш тўғрисида» 2016 йил 26 сентябрдаги 953-сон қарори.

8. Шўрчи туман ҳокимининг «Шўрчи туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек, техника трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2017 йил 4 февралдаги 110-сон қарори.

9. Шўрчи туман ҳокимининг «Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2017 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2017 йил 24 февралдаги Қ-151-сон қарори.